

**Болалар орасида турмушдаги жароҳатланишнинг тиббий-ижтимоий  
жихатлари**

**Оманова А.С.**

**Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали**

Бытовой травматизм среди населения и детей остается одной из важнейших и актуальных медико-социальных проблем во всех странах мира, в том числе, в Республике Узбекистан. Травма -это процесс, который обычно происходит в результате кратковременного физического воздействия, нарушающего анатомическую (цитологическую и молекулярную) целостность тканей живого организма. Основная цель исследования - изучить и оценить особенности распространенности травм среди населения и детей в 2016-2020 годах на основе материалов Хорезмской области. Исследование показало, что практически во всех странах мира, в том числе, в нашей стране, а также в Хорезмской области, где проводится исследование, существует традиция увеличения травматизма среди детей в 2016-2020 годах. В 2016 году детский травматизм составил 6,9 % от общей заболеваемости по сравнению с 9,0% в 2020 году, а травматизм незначительно увеличился чуть менее, чем на 30%. В области 60,5% травм у детей приходилось на мальчиков, 39,5% - на девочек, причем среди мальчиков этот показатель был в 1,53 раза выше.

**Ключевые слова:** Население, травма, травматизм, индикатор, дети, распространенность, бытавой, социальные группы.

Household injuries among the population and children remain one of the most important and urgent medical and social problems in all countries of the world, including in the Republic of Uzbekistan. Trauma is a process that usually occurs as a result of a short-term physical impact that violates the anatomical (cytological and molecular) integrity of the tissues of a living organism. The main goal of the study is to study and assess the characteristics of the prevalence of injuries among the population and children in 2016-2020 based on materials from the Khorezm region.

The study showed that in almost all countries of the world, including in our country, as well as in the Khorezm region, where the study is being conducted, there is a tradition of increasing injuries among children in 2016-2020. In 2016, child injuries accounted for 6.9% of the total incidence, compared with 9.0% in 2020, and injuries increased slightly by slightly less than 30%. In the oblast, 60.5% of injuries in children accounted for boys, 39.5% - for girls, and among boys this indicator was 1.53 times higher.

**Key words:** Population, trauma, injury, rate, indicator, children, spreading, everyday life, social groups.

### Муаммонинг долзарблиги

Болалар орасида турмушдаги жароҳатланиш дунёнинг барча давлатларида, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам ўта муҳим ва долзарб тиббий-ижтимоий масалалардан бири сифатида қолмоқда. Жароҳат - бу одатда қисқа муддатли жисмоний таъсир натижасида тирик организмда тўқималарнинг анатомик (цитологик ва молекуляр) бутунлигини бузиш билан кечувчи жараён дир. Россиянинг Татарстон Республикасида ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра жароҳатланишлар умумий қайд қилинган касалликлар ичида тўртинчи ўринни, вақтинча меҳнатга яроқсизлик бўйича иккинчи ўринни, ногиронлик сабабларига кўра учинчи ва ўлим сабабларига кўра иккинчи ўринни элаллаши аниқланган [8]. В.О Шепин, Е.В Шишкинларнинг илмий хулосаларига қараганда, Россияда йилига 12 минг жароҳатлар ва заҳарланишлар рўйхатга олинса, унинг 93% ини айнан жароҳатланишлар ташкил этади. Бу деган ҳар 1000 аҳолига 120-130 жароҳатланиш тўғри келади дегани. Болаларда бу кўрсаткич 100-110 та, ўспиринлар орасида 160-170 тага тенг. Эътиборли жиҳати шундаки, барча турдаги жароҳатланишлар, айниқса болалар орасида Россия Федерациясининг ҳар хил ҳудудларида ҳар хил кўрсаткичларга эга. Масалан 2018 йилда авто-транспорт ҳалокатлари сабабли жароҳатланиш Чилабинский вилоятида ҳар 100 000 та аҳолига – 142, 8 та ҳолатни ташкил қилса, Калмик Республикасида – 258,5 тага тенг бўлиб, ўртача Россия Федерациясининг кўрсаткичидан 76,7 % га юқори бўлган. Муаллифларнинг таъкидлашларича, жароҳатланишлардан ўлим кўрсаткичларида ҳам ўзига хосликлар кузатилиб, Чилабинск вилоятида ҳар 100 000 аҳолига - 147 га тенг бўлса, бу кўрсаткич мамлакат бўйича ўртача 116,6 га тенг бўлган [1]. Адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, болалар орасида содир бўлаётган жароҳатланишлар ичида турмушдаги жароҳатланишлар етакчи ўринни эгаллаши маълум бўлди. Иккинчи ўринни -кўчада олган жароҳатлар ва учинчи ўринни -ҳар хил турдаги жароҳатлар эгаллаган. Жумладан айниқса юқоридан йиқилиш ўлим ҳолатининг 4% ни ташкил этиб, асосан 5-9 ва 15-19 ёшдаги болалар орасида учраш даражаси нисбатан юқори [2]. М.В.Лебедев ва бошқаларнинг (2019) таъкидлашларича, турмушдаги жароҳатланиш даражаси жами жароҳатларнинг 74.3% ини, йўл транспорт ҳодисалари - 11,4% ни, спортдаги жароҳатланишлар -8,6% ни, мактабда олинган жароҳатлар -5,7% ни ташкил этиб, турмушдаги ва спортдаги (82,8%) ўғил

болаларда кўпроқ ЙТХ туфайли олинган жароҳатлар ташкил қилган (8,6%) [3]. Крюк Викториянинг (2021) илмий хулосаларига қараганда Россияда оилавий-турмуш шароитида юзага келаётган зўравонликлар сабабли оилаларда болаларнинг жароҳат олиш ҳолатлари йил сайин ошиб бораётганлиги таъкидланади. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 2019 йилда - 3,4% га ошиб 96150 тадан 99382 тага етган ва унинг асосий қисмини вояга етмаганлар ташкил этган [4]. М.А.Аксельров ва бошқаларнинг (2015) илмий изланиш натижалари шуни кўрсатадики, болаларда ҳар хил термик куйишлар ҳам энг кўп учрайдиган жароҳатлар тури саналиб, ундан ўлим жами жароҳатлардан юзага келадиган ўлимлар орасида учинчи ўринда туради. Айниқса 1 ёшгача бўлган болалар орасида 92,1%и -қайноқ сувдан ва иккинчи ўринда қаттиқ қизиган предметларни ушлаш ҳолатлари ташкил этади (5,1%). Термик куйиш олганларнинг 63,2%и ида -тананинг ҳар хил жойларининг куйиши, 16,9%и ида-оёқлар ва товон куйиши ва 12,3%и ида қўллари ва унинг 68,2%и ида бормоқларнинг куйиши билан кечган.[5]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотнинг берган маълумотида қараганда жами жароҳатланишларнинг 12-20%и термик куйишлар ташкил қилади ва унинг 8 %и болаларда турмушдаги жароҳатларга тўғри келади. [6]. Архангельск вилоятида ўтказилган илмий ўрганиш натижаларининг тахлили шуни кўрсатадики, 14 ёшгача бўлган болаларда қайд этилган 231 та жароҳатларнинг 43,3 %и ини -кўча, 32,5%и ини -турмушдаги, 12,1%и ини мактабда, 6,5%и ини -спортда, 3,0%и ини ЙТХлари ва ҳар бири 1,3% дан криминал ва ҳар хил жароҳатлар эгалласа, 15-17 ёшдаги ўспиринларда жами қайд этилган 90 та жароҳатларнинг 35,6%и ини кўча, 25,6%и ини турмушдаги, 20%и ини мактаб, 12,1%и ини спорт ўйинлари,4,4%и ини ЙТХ и ва 2,2%и ини криминал жароҳатлар ташкил этиши аниқланган.[7].

Дунё бўйича йилига ҳар хил жароҳатлардан 1,5 млн. киши ўлади, 2,4 млн. киши ногирон бўлиб қолади. Россияда йилига 600 000 киши бош суяги ва миядан жароҳат оладилар, уларнинг 50 000 таси оламдан ўтади, яна 5000 дан ортиғи ногиронликка чиқадилар. Улардан келадиган иқтисодий зарар йилига 500 млрд. руб.ни ташкил қилади.[9].

#### **Мавзунинг асосий мақсади**

Хоразм вилояти материаллари асосида 2016-2020 йилларда жами аҳоли ва болалар орасида турмушдаги жароҳатланиш ва унинг тарқалишидаги ўзига хос-хусусиятларни ўрганиш ва баҳолашдан иборат.

#### **Материаллар ва услублар**

Жами аҳоли ва болалар орасида жароҳатланишнинг тарқалишидаги динамикасини 2016-2020 йиллар давомида ўрганиш учун вилоят ва танланган



шаҳар ва туманларнинг статистика бошқармаларидан жароҳатланишлар бўйича ҳисобатлар олиб таҳлил этилди. Вилоятда ўрганилган беш йил давомида жами 383956 та ва танлаб олинган Урганч шаҳрида 80213та, Янгиариқ туманида 29152 та ва Қўшқўпир таманида 17651 та ҳар хил турдаги жароҳатланишлар олиниб, маълумотларни ўрганишда ва статистик таҳлил қилишда ижтимоий-гигиенек ва санитария-статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

### Натижа ва муҳокама

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида аҳоли орасида жароҳатланишлар, айниқса болалар орасида содир бўлаётган жароҳатланишлар ва унинг оқибатида юзага келаётган ногиронликлар ва ўлим даражаси кўпроқ болалар орасида кейинги йилларда сезиларли даражада ошаётганлиги ҳар қайси жамият ва соғлиқни сақлаш тизими учун ўта долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан мамлакатимизда, қолаверса тадқиқот амалга оширилаётган Хоразм вилоятида ҳам ўрганилган 2016-2020 йиллар давомида болалар орасида жароҳатланиш кўпайиш анъанасига эга эканлиги аниқланди. Хоразм вилояти 2016 йилда болаларда қайд этилган жароҳатланишлар, жами болалар орасида касалланишнинг 6,9 % ини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 9,0 % ини ташкил этган ва жароҳатланишлар сал кам 30 % га ошганлиги аниқланди. Ўрганилган йилларда биронта ҳам йилда жароҳатланишнинг камайиши кузатилмади. Вилоят бўйича болалардаги жароҳатланишларнинг 60,5% и ўғил болаларга ва 39,5%и қиз болаларга тўғри келиб, ўғил болаларда унинг даражаси 1,53 маротабага юқори эканлиги аниқланди.

### Жадвал 1.

Хоразм вилоятида жами аҳоли орасида жароҳатланишнинг 2016-2020 йиллар давомида жинслараро тақсимланиши (Мутлоқ сон ва % да)

Ўрганилган йиллар	Жами жароҳатлар сони	Эркакларда (Мутлоқ сон ва %да)	Аёлларда (Мутлоқ сон ва %да)
2016	65018	39170(60,2)	25848(39,8)
2017	76222	47684(62,6)	28538(37,4)
2018	79449	44477(56,0)	34972(44,0)
2019	80535	46092(57,2)	34443(42,8)
2020	82732	54784(66,2)	27948(33,8)
Жами	383956	232207(60,5)	151749(39,5)

Кўришиб турибдики, жароҳатланишлар эркакларда 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 1,4 га ва аёлларда 1,08 мартабага ошган ва эркакларда жароҳат олишнинг кўпайши 23%га юқори. Ўрганилган йилларда жароҳатланишлар эркакларда ҳар йилига ошиб бориш хусусиятга эга бўлса, аёлларда 2019 йилгача ошиб бориши кузатилиб, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан унинг 1,2 мартабага камайиши кузатилган. Вилоятда эркакларда жароҳатланишлар жами касалликларнинг 10,3% ини ташкил этса, бу кўрсаткич аёлларда 6,1% ини ташкил этиши қайд этилди. Кўришиб турибдики, вилоятда аҳоли орасида жароҳатланиш аёлларга нисбатан эркакларда юқори ва ошиб бориши хусусиятига эга. (Жадвал 1)

Жадвал 2

2016-2020 йиллар давомида Хоразм вилоятда аҳолининг ёшлари бўйича жароҳатланишларнинг тақсимланиши (Мутлоқ сон ва %да)

Ўрганилган йиллар	Умумий жароҳатар сони	0-14 ёш (Мутлоқ сон ва %да)	15-17 ёш(Мутлоқ сон ва %да)	18 ёш ва катталар (Мутлоқ сон ва %да)
2016	65018	14106(21,7)	9822(15,2)	41090(63,2)
2017	76222	19171(25,1)	12122(15,9)	44929(59,0)
2018	79449	15675(19,7)	13087(16,5)	50687(63,8)
2019	80535	16610(20,7)	10499(13,0)	53426(66,3)
2020	82732	16796(20,3)	12879(15,6)	53057(64,1)
Жами	383956	82358(21,4)	58409(15,3)	243189(63,3)

Хоразм вилоятида 0-18 ёшгача болалар орасида ўрганилган беш йилда жароҳатларни уларнинг ёш гуруҳлари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатдики, 0-14 ёшли болаларда жами жароҳатларнинг 21,4 % кузатилиб, 15-17 ёшдагиларга қараганда 29,0% га юқорилиги кузатилди, аммо 18 ёш ва ундан катталарда жами жароҳатларнинг 63,3% и содир этилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат деярли барча ўрганилган йилларда айнан шу кўринишда сақланиб қолганлиги қайд этилди. Энг асосийси, 18 ёш ва ундан катталарда жароҳатланганлар – 0-14 ёшдагиларга нисбатан деярли 3 баробарга (2,95 мартаба) юқорилигини кўриш мумкин. Болалар жароҳатланишида айниқса эътиборимизни ўзига тортган жиҳатлардан бири ҳам шу бўлдики, барча ёш гуруҳларида таҳлил қилинган йиллар давомида унинг ошиб бориши кузатилиб, бу кўрсаткич 0-14 ёшдагиларда 1,4 мартабага, 15-17 ёшдагиларда орасида 1,3 мартабага ошаётганлиги аниқланди. (Жадвал 2)

Жадвал 3

Ўрганилган шаҳар ва туманларда жами аҳоли ва болалар орасида жароҳатланишнинг тарқалиши (ҳар 1000 аҳолига)(p±m)

Ўрганил. худудлар	Умумий жароҳатланиш	Эркаклар	Аёллар	Болаларда			18 ёш ва катталарда
				Жами	0-14	15-17	
Урганч ш.	114,0±0,37	108,7±0,52	119,3±0,55	96,7±0,53	104,7±0,69	48,9±0,17	122,2±0,47
Кўшкўпир т.	21,3±0,15	27,1±0,25	15,3±0,19	28,2±0,31	23,1±0,30	59,0±1,16	17,6±0,18
Янгиариқ т.	52,1±0,30	65,9±0,46	37,9±0,36	68,3±0,59	30,8±0,44	269,3±2,61	44,1±0,33
Жами	62,5±0,19	67,2±0,36	57,5±0,05	64,4±0,29	52,9±0,29	125,7±1,03	61,3±0,20

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, фақат 15-17 ёшли болаларни ҳисобга олмаганда деярли барча ижтимоий гуруҳларда жароҳатланиш қишлоққа нисбатан шаҳарда сезиларли даражада юқори. Ушбу ҳолатни ҳар бир алоҳида ўрганилган ижтимоий гуруҳлар бўйича кўрганимизда, жами аҳоли ўртасида қишлоқ туманларига нисбатан шаҳарда жароҳатланиш даражаси-3,1; эркакларда-2,3; аёлларда-4,5; жами болаларда-3,4; 0-14 ёшдагиларда-3,9; 18 ва ундан катта ёшдагиларда-3,9 баробарга юқори эканлиги қайд этилди. Эътиборимизни ўзига тортган жиҳатлардан бири шу бўлдики, Янгиариқ туманида 15-17 ёшдаги болалар орасида жароҳатланиш Урганч шаҳрига нисбатан -5,5 ва Кўшкўпир туманига нисбатан эса -4,5 баробарга юқори эканлиги аниқланди. Агар Урганч шаҳрида жароҳатланиш даражаси аёллар орасида бир мунчага (эркакларда 108,7%±0,52 ва аёлларда 119,3%±0,55) юқорилиги қайд этилса, қишлоқ туманларида унинг аксини яъни, жароҳатланиш даражаси Кўшкўпир туманида эркакларда 1,8 ва Янгиариқ туманида 1,7 баробарга юқорилигини кўриш мумкин. Жароҳатланиш кўрсаткичларини болаларнинг ёш гуруҳлари орасида қиёсий ўрганишлар шуни кўрсатдики, жароҳатланиш Урганч шаҳрида 0-14 ёшли болаларда (104,7%±0,69) 15-17 ёшлиларга нисбатан (48,9%±0,17) 2,1 баробарга юқорилиги кузатилса, ушбу ҳолат қишлоқ туманларида 15-17 ёшли болалар орасида сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди. (Жадвал 3)

(Жадвал 4)



2016-2020 йиллар давомида Урганч шаҳрида ҳар хил ижтимоий гуруҳлар орасида жароҳатланишнинг тарқалиш динамикаси (ҳар 1000 аҳолига)(р±m)

Ўрганил. йиллар	Умумий жароҳат -ланиш	Эркак- лар	Аёллар	Болаларда			18 ёш ва катта- ларда
				Жами	0-14	15-17	
2016	88,2±0,7 6	98,8±1, 13	77,9±1, 02	68,3±1, 20	69,6±1, 30	60,1± 2,96	97,5±0, 96
2017	118,8±0, 86	75,8±1, 22	99,3±1, 13	107,9± 1,47	116,1± 1,63	58,4± 2,94	109,4±1 ,01
2018	110,2±0, 83	121,8± 1,23	98,4±1, 13	78,0±1, 26	82,4±2, 96	51,7± 2,74	125,4±1 ,07
2019	131,6±0, 89	137,2± 1,29	125,9± 1,25	107,4± 1,44	115,2± 1,61	60,2± 2,95	143,1±1 ,13
2020	130,5±0, 88	68,6±0, 94	192,6± 1,47	120,6± 1,50	135,2± 1,72	15,6± 1,51	135,0±1 ,09
Ўртача	114,0±0, 37	108,7± 0,52	119,3± 0,55	96,7±0, 53	104,7± 0,69	48,9± 1,90	122,2±0 ,47,

Жароҳатланишнинг динамикадаги таҳлил натижасига кўра шаҳарда тарқалиш даражаси умумий аҳоли орасида 2020 йилда (130,5%±0,88) 2016 йилга нисбатан (88,2%±0,76) деярли 1,5 мартабага ошганлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳолатни болаларда ва 18 ёш ва ундан катталар орасида кўрганимизда унинг даражаси мос равишда 1,7 ва 1,4 баробарларга ошган. Жароҳатланишнинг динамикасини ҳар хил жинсларда кўрганимизда, аёлларда унинг даражаси 2020 йилда (192,6%±1,47) 2016 йилга нисбатан (77,9%±1,02) 2,4 мартабага ошган бўлса, эркаклар орасида 1,4 мартабага камайганини кўриш мумкин. Шаҳар аҳолиси орасида жароҳатланиш эркакларга нисбатан аёлларда бир мунча юқори эканлиги маълум бўлди. Эътиборли жиҳати яна шундаки, болаларда жароҳатланиш ҳар 1000 та ўрганилган болага 2016 йилда 0-14 ёшли болаларда 96,6%±1,30 ни ташкил этса, 2020 йилда бу кўрсаткич 135,2±1,72 га тенг бўлган ва динамикада 1,4 баробарга ошганлиги, шунингдек 0-14 ёшдагиларда жароҳатланиш (104,7±0,69) 15-17 ёшдагиларга нисбатан (48,9%±1,9) 2,1 баробарга юқори эканлиги аниқланди. ((Жадвал 4)

(Жадвал 5)

2016-2020 йиллар давомида Қўшқўпир туманида ҳар хил ижтимоий гуруҳлар орасида жароҳатланишнинг тарқалиш динамикаси (ҳар 1000 аҳолига)(p±m)

Ўрганил. йиллар	Умумий жароҳат -ланиш	Эркак- лар	Аёллар	Болаларда			18 ёш ва катта- ларда
				Жами	0-14	15-17	
2016	15,4±0,3 0	20,0±0, 49	10,7±0, 36	16,1± 0,58	13,3±0, 52	32,1± 1,91	15,0±0,37
2017	15,1±0,3 0	14,9±0, 42	15,2±0, 43	16,0± 0,52	13,0±0, 51	34,5± 2,0	14,6±0,36
2018	15,7±0,3 0	18,0±0, 46	13,3±0, 39	24,7± 0,64	13,0±0, 51	96,2± 3,27	10,9±0,31
2019	31,0±0,4 2	36,1±0, 63	24,5±0, 53	44,2± 0,85	40,0±0, 87	69,0± 2,83	24,0±0,46
2020	28,5±0,3 9	44,2±0, 48	12,6±0, 38	39,0± 0,79	35,0±0, 81	64,1± 2,70	23,0±0,45
Ўртача	21,3±0,1 6	27,1±0, 25	15,3±0, 19	28,2± 0,30	23,1±0, 30	59,0± 1,16	17,6±0,17

Қўшқўпир туманида жароҳатланиш даражаси Урганч шаҳрига нисбатан 5,3 мартабага камлиги қайд этилди. Шаҳардан фарқли ўларок қишлоқда жароҳатланиш эркакларда 1,8 мартабага юқори эканлиги маълум бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туманда ўрганилган барча ижтимоий гуруҳларда жароҳатланиш даражаси йил сайин ошиб бориш хусусиятга эга эканлиги қайд этилди. Аниқ сонларга эътибор қаратсак, умумий аҳоли орасида жароҳатланиш 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 1,8; эркакларда -2,2; аёлларда -1,2; жами болаларда -2,4; 0-14 ёшдагиларда -2,6; 15-17 ёшдагиларда -2,0; 18 ва ундан катталарда -1,5 мартабага ошиб боришини алоҳида таъкидлаш мумкин. (Жадвал 5)

(Жадвал 6)

2016-2020 йиллар давомида Янгиариқ туманида ҳар хил ижтимоий гуруҳлар орасида жароҳатланишнинг тарқалиш динамикаси (ҳар 1000 аҳолига)(p±m)

Ўрганил. йиллар	Умумий жароҳат -ланиш	Эркак- лар	Аёллар	Болаларда			18 ёш ва катта- ларда
				Жами	0-14	15-17	
2016	44,2±0,6 2	56,8±0, 99	31,2±0, 75	61,9± 1,26	31,7±1, 0	213,6± 5,2	35,2±0,6 9



2017	57,4±0,7 0	79,4±1, 14	38,8±0, 82	84,6± 1,45	42,0±1, 14	298,4± 5,8	46,8±0,7 7
2018	61,7±0,7 1	69,5±1, 06	53,6±0, 96	90,0± 1,49	41,3±1, 13	347,8± 6,2	48,0±0,7 8
2019	46,1±0,6 2	57,9±0, 97	34,1±0, 76	50,2± 1,14	24,2±0, 86	196,9± 5,3	44,9±0,7 5
2020	49,1±0,6 3	65,8±1, 02	32,0±0, 73	55,1± 1,18	15,7±0, 70	288,8± 6,9	46,2±0,7 5
Ўртача	52,1±0,2 9	65,9±0, 47	37,9±0, 36	68,3± 0,59	30,8±0, 43	269,3± 2,61	44,1±0,3 3

Янгиариқ туманида ҳам жами аҳоли орасида жароҳатланишда юқоридаги каби Урганч шаҳри ва Кўкўпир туманлардаги анъаналар сақланиб қолган. Умумий аҳоли орасида жароҳатланиш ўрганилган барча ижтимоий қатламлар орасида 2016-2020 йиллар давомида ошиб бориш хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Статистик материаллардан олинган маълумотларни таҳлил қилишда болалар орасида, айниқса 15-17 ёшдагиларда жароҳатланишнинг бошқа ёшдагиларга ва умумий аҳолига нисбатан бир-неча мартаба ошиб кетиши кузатилди. Айниқса 2018 йилда 15-17 ёшдаги болалар орасида жароҳатланиш ҳар 1000 та мазкур ижтимоий гуруҳдаги аҳоли ва болаларга нисбатан умумий аҳоли орасидаги ногиронлик даражасидан 5,6 ва умумий болалар орасидаги жароҳатланишдан -3,8 мартаба юқори бўлганлиги қайд этилди. (Жадвал 6)

#### Хулосалар:

1. Жами аҳоли ва болалар орасида жароҳатланиш ва унинг билан боғлиқ ногиронлик ва ўлимнинг юқорилиги ва унинг йил сайин ошиб бориши ҳар қандай жамият ва унинг соғлиқни сақлаш тизими олдида ўта муҳим ва долзарб тиббий-ижтимоий, ижтимоий-психологик ва иқтисодий муаммолардан бири саналади;

2. Ўрганилган адабиётлар, илмий изланишлар амалга оширилаётган статистик мажмуалардан олинган ҳисобот материалларининг таҳлиллари шуни кўрсатдики, дунёнинг деярли барча мамлакатларида, шунингдек Ўзбекистонда ва бевосита тадқиқот амалга оширилаётган Хоразм вилоятида ҳам жами аҳоли ва болалар орасида турмушдаги жароҳатланиш юқорилигича сақланиб қолмоқда ва динамикада ўсиш анъанасига эга;

3. Хоразм вилоятида жами аҳоли орасида жароҳатланиш шаҳарда кишлоқ туманларига нисбатан 3,1 мартабага, эркакларда аёлларга нисбатан

1,2 маротабага, 0-14 ёшдаги болаларда шаҳарда қишлоқ ҳудудларига нисбатан 3,8 маротабага юқори эканлиги аниқланди;

4. Ўрганилган шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида жароҳатланиш 18 ёш ва ундан катталар орасида 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 1,4 маротабага ўсиши қайд этилди;

5. Вилоятнинг қишлоқ туманларида айниқса ўспиринлар орасида жароҳатланиш бошқа ёшдагиларга, болаларга нисбатан бир-неча баробар юқори эканлиги аниқланди.

Жами аҳоли ва болалар орасида турмушдаги жароҳатланиш дунёнинг барча давлатларида, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам ўта муҳим ва долзарб тиббий-ижтимоий масалалардан бири сифатида қолмоқда. Мавзунинг асосий мақсади Хоразм вилояти материаллари асосида 2016-2020 йилларда жами аҳоли ва болалар орасида турмушдаги жароҳатланиш ва унинг тарқалишидаги ўзига хос-хусусиятларни ўрганиш ва баҳолашдан иборат. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида, жумладан мамлакатимизда ўрганишлар амалга оширилаётган Хоразм вилоятида ҳам 2016-2020 йиллар давомида болалар орасида жароҳатланиш кўпайиш анъанасига эга эканлиги аниқланди. 2016 йилда болаларда жароҳатланишлар жами касалланишнинг 6,9 % ини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 9,0 % ини ташкил этган ва жароҳатланишлар сал кам 30 % га ошганлиги аниқланди. Вилоят бўйича болалардаги жароҳатланишларнинг 60,5%и ўғил болаларга ва 39,5%и киз болаларга тўғри келиб, ўғил болаларда унинг даражаси 1,53 маротабага юқори эканлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** Аҳоли, жароҳат, жароҳатланиш, кўрсаткич, болалар, тарқалиш, турмуш, ижтимоий гуруҳлар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1.Шепин В.О, Шишкин Е.В Современные проблемы травматизма в Российской Федерации //Проблемы социальной гигиены, здравоохранения и история медицины , 2020 № 28 (5)- С-877-882.

2.Лебедев М.И. Совершенствование организации специализированной челюстно-лицевой помощи пострадавшим в ДТП /М.В.Лебедев// Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Медицинские науки.-2016.- №4 (40).- С. 94-99.

3.Лебедев М.В., Захарова И.Ю., Керимова К.И. Детский травматизм челюстно-лицевой области// Вестник Пензенского государственного университета.-2019.- №4 (28).- С. 69-72.

4.Крюк В.С. Деятельность прокуратуры по защите детей от насилия в сфере семейно-бытовых отношений// Вестник Краснодарского университета МВД России, 2021.-№3(53).-С.99-103.

5.Аксельров М.А., и др. Медико-социальные аспекты термической травмы у детей// Научно-практический журнал, Вятский медицинский вестник, 2015.- №4.-С.32-35.

6. Занина И.А., Раздорская И.М., Чембарцева И.В. Медико-социальные аспекты ожогового травматизма у детей// Журнал научных статей “Здоровье и образование в XXI веке” ,2008.-№3.- (т.10).-С.449-450.

7.Санников А.Л., Варакина Ж.Л., Сидорова А.В. Характеристика травматизма и инвалидности от внешних причин в Архангельской области и основные направления санитарно-курортной реабилитации последствий травм//Современные проблемы науки и образования.-2015.-№4.

8. Х.З. Гафаров, В. С. Муругов ТРАВМАТИЗМ - ПРИОРИТЕТНАЯ МЕДИКО-СОЦИАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА.Казанский медицинский журнал, Том 80.- №4 (1999).-С.312-314.

9. Аханов Г.Ж., Утеулиев Е.С., и др. Клинико-эпидемиологические аспекты черепно-мозговой травмы/ Вестник КазНМУ.- 2018.-№3.- С.113-116.

10. Sultanovna O. A. Traumatism Among The Population and Children, Medical and Social Aspects //Scholastic: Journal of Natural and Medical Education. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 24-30.

11. Omanova, A., & Abdullaev , I . (2022). INJURIES AMONG CHILDREN AND SOME PECULIARITIES OF ITS SPREAD. Евразийский журнал медицинских и естественных наук, 2(6), 217–222. извлечено от <https://www.incademy.uz/index.php/EJMNS/article/view/253>